

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти

«Ўзбек адабиёти» кафедраси

«Миллий уйғониш даври адабиёти» фанидан

МУАММОЛИ МАЪРУЗА МАТНИ

Тузувчи:

И.Бекмуродов
Филология фанлари номзоди,
доцент.

Мазкур муаммоли маърузалар матни кафедранинг 2004 йил _____ даги
№ ____ йиғилишида муҳокама қилиниб мақулланган ва институт услубий
кенгашининг 2004 йил _____даги йиғилишида ички фойдаланиш учун
чоп этишга тавсия қилинган.

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос тараққиёт йўли Олий ўқув юртларидан юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг янгича тамойилларини қўллашни тақозо этмоқда. Бу эса адабиёт фанини янгича концепция асосида қайта кўриб чиқишни ва замонавий усулларда ўқитишни долзарб муаммо қилиб қўйди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури»да рақобатбардош, билимли янгича технология шароитида ишлай оладиган кадрларни тайёрлаш кўзда тутилган. Ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, янги таълим усуллари педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил этиш, ёшлар таълим – тарбиясини миллий мафкура, умуминсоний қадриятларни билдириш, Ватанга муҳаббат, мустақиллик, истиқлол ғояларига садоқатлик руҳида таркиб топтириш асос қилиб олинишини назоратда тутати.

Тавсия этилаётган муаммоли маърузалар матнлари ўз олдига бўлажак мутахассисларни халқимизнинг ўзига хос маънавиятини руҳиятига мос тушадиган адабий-маърифий билим, кўникма ва малакалар билан мукамал қуроллантириш орқали улардан миллий тафаккур, одоб-ахлоқ ва тарбияни таркиб топтиришни асосий мақсад қилиб қўяди. Ушбу маърузалар адабиёт фани ўқитилишининг ҳозирги замон талабаларини ва халқимизнинг бой адабий қадриятларини ҳисобга олгани ҳолда ривожланган мамлакатларнинг таълим тарбияга оид илғор тажрибаларини қўллаб тузилди. Шунингдек унда давлатимизнинг имон – эътиқодли, билимли, комил инсонларини шакллантиришнинг илмий, адабий ва услубий асослари билан талабаларни қуроллантириши мақсади ҳам назарда тутилган. Адабиёт комил инсон тарбияси ҳақидаги фан эканлигидан келиб чиқиб, уни ўрганишда қуйидаги масалларга эътибор берилади:

- ❖ Тарбия ижтимоий тараққиётнинг устувор йўналиши бўлиб жамиятнинг руҳий – маънавий жиҳатдан такомиллаштиришнинг энг ишончли омили;
- ❖ Жамиятни демократик тамойиллар асосида ривожлантириши ғоясидан келиб чиқиб, таълим - тарбия марказида комил инсон, унинг талаб-эҳтиёжлари, қизиқиши, интилишларини қондира бориш ҳамда уларнинг қобилият ва истеъдодларини ўстириш туради;
- ❖ Ҳозирги замон адабий таълими муаммоларини ҳал этишда халқимизнинг кўп асрлик бой дидактик тажрибаси, ҳукуматнинг таълим-тарбия йўналишидаги истиқболли тамойиллари ҳамда ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари ҳам ҳисобга олинади.

Мавзу: Илк мустамлакачилик даври адабий маданий ҳаёт. Манбалар ва уларнинг шарҳи.

(2 соат)

Режа:

1. XIX асрнинг II ярмида рус босқинчилари томонидан Марказий Осиёни босиб олиниши.
2. Босқинчиларнинг асосий мақсади.
3. Европа маданияти, илм – фани ва адабиётининг кириб келиши.
4. Европача маданият ва адабиётга маҳаллий зиёлиларнинг муносабати.

Муаммо: Миллий уйғониш даври адабиётини қайта ўрганишнинг мақсад ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида қилган маърузасида, мустақил Ўзбекистонда демократик тузумни барпо этиш билан бирга, амалга оширилаётган улкан ўзгаришларнинг асосий яратувчилари бўлган жамиятимиз аъзоларининг ақлий салоҳиятини, маънавиятни бутунлай янги қарор топтириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Келажаги буюк давлатни қураётган кишиларнинг тафаккури, ахлоқи янги иқтисодий – маданий муносабатларни тиклашга моддий – маънавий неъматлар ишлаб чиқаришга астойдил киришиб, доимо ёниб яшаш ҳисси билан суғорилган бўлиши лозим. Мана шундай эзгу фазилатларга бой комил инсонни тарбиялаш университет ва институтларнинг асосий вазифаси ҳисобланиди.

Адабиёт адабий муҳитнинг маҳсули бўлиб, бу фақат адабий жараёнлар таъсирида эмас, балки у ёки, бу тарихий воқеалар, унда илгари сурилган ғоялар таъсирида шаклланади. Шунинг учун ҳам у ёки, бу жамиятда содир бўлган воқеалар адабиётда бадиий ифодасини топади. Шу нуқтаи назардан қаралганда XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё халқлари ҳаётида рўй берган энг муҳим воқеа Марказий Осиё ерларининг бирин –кетин рус босқинчилари томонидан босиб олиниши бўлди. Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши билан ўлка халқлари адабий тарихининг янги саҳифаси бошланди.

Марказий Осиёнинг Россия ҳукумати томонидан истило қилиниши бир йўла амалга оширилган қисқа муддатли ҳарбий – сиёсий ҳаракат бўлмай, қарийиб чорак асрни ўз ичига олган ва халқ ҳаётида катта из қолдирган мураккаб тарихий воқеадир. Маълумки, кўкон хонлигининг ғарбий чегараларидаги мудофаа истехкоми ҳисобланган Оқмачит қалъасининг 1853 йилда босиб олиниши билан бошланган Россия ҳукуматининг босқинчилик ҳаракати, асосан орадан 23 йил ўтгандан сўнг, 1876 йилда бу хонликнинг

маркази бўлган қўқон шаҳрини хийла ишлатиб таслим қилиниши билан якунланган. Россия ҳукумати Туркистонни босиб олар экан, унга хом ашё манбаи, Россия корхоналарида ишлаб чиқарилган молларни харид қилиш бозори деб қаради ва босиб олинган ерларда мустамлакачилик сиёсатини олиб борди. Руслар ҳукмронлиги даврида халқ икки ёқлама – миллий ва босқинчилар зулми остида эзилди, у оддий инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, «халқлар жаллоди» - рус босқинчилари исканжасида яшашга мажбур бўлди. Босқинчилар ўлкада кенг тармоқли ҳарбий идора усулини – генерал губернаторликни ўрнатдилар. Босқинчилар сиёсати маҳаллий халқни қолоқликда, нодонликда сақлаб туришга қаратилган эди. Шу билан бирга Туркистоннинг Руслар томонидан босиб олинishi натижасида ўлкага босқинчи Россиядан ташқари, ҳунарманд зиёли рус халқи ҳам кириб келди ва царизмнинг хоҳиш-иродасига қарама-қарши ҳолда ўзининг тарихий бурчини бажарди.

Ҳар бир халқ маданияти тарихида матбаачилик ишларининг бошланиши муҳим ходиса ҳисобланади. Кўҳна маданиятга эга бўлган ўзбек халқида ёзма адабиёт қадим замонлардан буён мавжуд бўлса-да, китоб нашр этиш усули – матбаачилик ишлари кейинги давр – XIX асрнинг иккинчи ярмидагина вужудга келди.

Туркистонда биринчи типография 1868 йилда Тошкентда ташкил топди.

Таянч тушунчалар.

Литография, типолитография, топография, матбаа, қўлёзма китоб, рус тузем мактаби, илмий жамият, тўғарак, виставка, жадид, жадидчилик ҳаракати, театр каби атамалар ва сўз бирикмаларининг шарҳи.

Матбаачилик Ўзбекистонда тез ривожланди: 1877 йили Тошкентда С.И.Лахтиннинг хусусий типографияси, 1874 йили Хевада Ферузнинг литографияси очилди. Унда 1880 йилда босилган биринчи китоб А.Навоийнинг «Хамса»си бўлган. 1888 йилда Тошкентда Порцевнинг, 1894 йилда Самарқандда Полторанованинг, 1901 йилда Бухорода Барановскийнинг, 1904 йилда эса қўқонда Минаков, Андижонда Калачев литографиялари ишга тушган. Кейинроқ Тошкентда ғулом Хасан Орифжонов, Тўрақўрғонда Исроқхон Жунайдуллаев Ибратлар ўзбек матбаачилик солномасини бошлаб берганлар. Матбаачилик ишларининг йўлга қўйилиши маҳаллий халқ учун муҳим маърифий аҳамиятга эга бўлган ходисалардан биридир. Чунончи 1903 йилда Тошкентда рус-тузем мактаблари учун Али Асқар Калинин томонидан тузилган ўқиш китоби – «Муаллими соний» нашр этилди. Бу китобдан рус мумтоз адабиёти ва фольклоридан намуналар ўзбек тилидаги таржимасида ўрин олган. Рус-тузем мактаблари, аслида кўзлаган мақсадидан қатъий назар, маҳаллий халқ ўртасида рус тили, адабиёти ва

маданиятининг тарқалишига хизмат қилди. XIX асрнинг иккинчи ярмида мактаб-маориф соҳасида содир бўлаётган бу ўзгаришлар XX аср бошларида янги усул мактабларининг пайдо бўлишига ва маҳаллий халқ ўртасидан Саидрасул Саидазизов, Абдулла Авлоний, Абдуқодир Шакурый, Рустамбек, Юсуфбек, Хамза каби кўплаб атоқчи жадинчиларнинг етишиб чиқишига замин бўлган.

Маҳаллий халқ маданий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатган олимлардан яна бири ўлкада турли илмий муассаса ва жамиятларнинг очилиши бўлди. 1870 йилда Тошкентда халқ кутубхонаси таъсис этилган бўлса, 80-90-йилларда Туркистонинг турли шаҳарларида саноат ва қишлоқ хўжалиги техникалари виставкаси ташкил қилинди. Тошкентда 1870 йили «Археология ҳаваскорларининг Туркистон тўғараги» ва 1897 йили ташкил топган ва ўзининг катта илмий кашфиётлар билан шуҳрат қозонган «Рус география жамиятининг Туркистон бўлими», 1896 йили Самарқандда ташкил қилинган. Тарих музейи ва бошқаларни Ўзбекистон маданий ҳаётида сезиларли из қолдирган илмий муассасалар сифатида кўрсатиш мумкин. Ўзбекистонда тузилган тўғарак ва илмий жамиятларда маҳаллий халқ вакиллари ҳам иштирок этиб, илғор рус олимлари билан ҳамкорлик қилдилар. 1871 йилда Тошкентда тузилиб, Марказий Осиёнинг табиий бойликлари, географияси, этнографияси ва тарихини ўрганишни мақсад қилиб қўйган. «Ўрта Осиё илмий жамияти»га оид архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, маҳаллий халқдан бир неча киши жамият ишларида фаол қатнашган. Улардан бири табиатшунос Олимхўжа Юнусовдир. У киши ўсимликлар устида олиб борган ишлари ва унинг натижалари тўғрисида жамият мажлисларидан бирида маъруза қилган ва эришган янгиликлари билан бошқа олимларни таништириб, илмий доиралар эътирофига сазовор бўлган.

Маҳаллий халқнинг бир қисми, хусусан, илғор фикрли зиёлилар орасида олийжаноб туйғуларни ўстириш ва турмуш ҳақида янги тушунчалар қилишларида рус реалистик театр санъатининг роли кам бўлмади. Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида ўтказилган гастролларда рус ва жаҳон драматургияси дурдоналаридан бўлган Гоголнинг «Ревизор», Грибоедовнинг «Ақллилик балоси», Островскийнинг «Сепсиз қиз», «Момоқалдиروق», Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» драмалари қўйилган, кейинроқ эса Пушкин, Шекспир, А.Горький асарлари сахнага қўйилган. Бу томошаларда руслар билан бирга маҳаллий халқ вакиллари ҳам иштирок этган. Чунончи, шоир Фурқат ўзининг «Суворов» достонини 1890 йилда Тошкентда рус театри томошасини кўргандан кейин ундан илҳомланиб ёзган эди. Маҳаллий халқ ўртасида кенг кўламда тарқала бошлаган Европача илм-фан, маданият ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Халқ орасидан янги онг - тушунчага, янгича қарашга эга бўлган зиёлилар етишиб чиқа бошлади. Булар маҳаллий халқ ўртасида туғила бошлаган янги маданиятнинг янги типдаги арбоблари

сифатида ўз фаолиятларини бошладилар. Мирзабарот қосимов, географ олим Хожиг Юсуф, ва Мирза Бухорийлар ана шу тарихий шароит етиштирган ўзбек зиёлиларининг дастлабки қалдирғочлари эдилар. Янги маданий ҳаракатнинг ана шундай дастлабки қалдирғочларини етиштирган ўзбек халқи, кейинроқ Комил Хоразмий, Фурқат, Муқимий, Завқий, Баёний, А.Табибий, Анбар Отин, Аваз Ўтар, Иброт каби машҳур маданият арбобларини етиштирди. Шундай қилиб, янги ижтимоий фикрни халқ ўртасида тарғиб қилувчи, тараққиёт учун курашувчи илғор зиёлилар гуруҳи майдонга келди.

Ақлий хужум учун саволлар.

1. Ўзбекистонни рус босқинчилари қўшиб олганми ёки уруш қилиб босиб олганми?
2. Ўзбекистонда XIX асрнинг охириги чорагидан бошлаб қандай илмий мауссасалар ташкил этилган?
3. Шу даврда қандай жамиятлар, тўғараклар иш бошлаган?
4. XIX асрнинг охириги чораги ва XX аср бошларида кимнинг, қайси спектакллари, қайси шаҳарларда қўйилган?
5. Вўставка ва унинг ўша вақтдаги вазифалари ҳақида сўзланг?
6. Фурқатнинг «Суворов» достони назарий жиҳатдан қандай асар?
7. Театр томошаларининг мақсад ва вазифалари нима.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида Президент И.А.Каримов маърузаси.
2. Каримов ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. III нашри. 1987 йил.
3. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.1993 й.
4. Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. Т. 2000 й.

Мавзу: Комил Хоразмий ҳаёти ва ижоди

(4 соат)

Режа:

1. К.Хоразмий ижодининг ўрганилиши;
2. Шоир яшаган давр ва адабий муҳит;
3. К.Хоразмийнинг таржимаи ҳоли;
4. К.Хоразмийнинг ижодий мероси.

К.Хоразмий ижодини унинг ўз замондошлари юқори баҳолаганлар. Тарихчи олим ва шоир Огаҳий Комил Хоразмий ижодининг аҳамияти тўғрисида сўзлаб, уни «фазл ва хунар аҳли орасида мумтоз» деб баҳолайди. Чунончи Огаҳийнинг «Гулшани давлат» китобида К.Хоразмий ҳақида шундай дейилади: «Наврас фикр ва тоза таъбуародин, фазл ва хунар аҳли орасинда мумтоз Паҳлавон Ниёзким, фозиллар гуруҳи ичра тақаллуси Комилдир». Аҳмад Табибий ҳам 1908 йилда тузган «Мажмуатуш - шуаро» тазкирасида К.Хоразмийга машҳур шоирлар қаторидан жой ажратган.

К.Хоразмийнинг бир қанча асарлари Тошкентда «Туркистон вилоятининг газети»да нашр этилган. Шунингдек Б.Раҳмонов ва М.Юсуф Девозодаларнинг 1925 йилда Москвада нашр этилган «Хоразм мусиқий тарихчиси» китобида К.Хоразмий мусиқий маданиятимизнинг машҳур арбобларидан бири сифатида тилга олинади. В.Беляевнинг 1933 йилда Москвада босилган «Ўзбек мусиқа асбоблари» номли асарида К.Хоразмийнинг мусиқа соҳасидаги хизматлари талқин этилган.

Унинг адабий ижоди ҳақида маълумот берувчи мукаммал асарлар асосан қирқинчи йилларда пайдо бўлди. Бу жиҳатдан адабиётшунос олим Шарафуддиновнинг 1945 йилда олий ўқув юртлари учун Тошкентда нашр этилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»ни эслаш кифоя. Шундан сўнг К.Хоразмий номи шоир ва мадаият арбоби сифатида мактаб ва олий ўқув юртлари дастури ва дарсликларида тилга олиниб, унинг ижоди тарғиб қилина бошланди. Чунончи, М.Юнусов 1947 йилда К.Хоразмий ижоди ҳақида номзодлик диссертацияси ёклаб, 1960 йилда шу диссертация асосида шоир яшаган даврни, унинг ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи «Комил Хоразмий» номли китобчасини нашр эттирди. Шоирнинг «Танланган асарлари» биринчи марта Тошкентда 1961 йилда нашр этилган.

Муаммо:

Анъанавий ижоди ҳар томонлама ривож топиб турган бир пайтда К.Хоразмий дунёвий мавзуларда ҳам ижод қилишга ўтган. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

Марказий Осиё хонликларида бўлгани каби Хева хонлигида ҳам теократик идора усули жорий этилган эди. Бу идора усулига кўра, дин сиёсий ҳокимият кучига эга бўлиб, дин аҳллари – шайхлар, қозилар, эшонлар мамлакатни идора қилиш ишига бевосита иштирок этар эдилар. Феодал идора усулининг энг қабих кўринишларидан бўлган бу идора усули ҳукумронлик қилган мамлакатда халқ, бойлар ва дин аҳллари зулми остида аёвсиз эзилар эди. Бу даврда тамагирлик, порахўрлик давлат сиёсатига айланиб қолган

эди. Ундан ташқари хонлик махкамаси томонидан жорий қилинган солиқларнинг тури 25га етган эди. Чунончи, «беъор»-ариқ ва анҳорларни тозалатиш солиғи; «солғут»- ер солиғи; «чопар пули»-солиқларни йиғиш бошланиши ҳақида хабар қилувчига бериладиган пул; «милтиқ солиғи»-яроқ-аслаҳа олиш учун йиғиладиган солиқ; «качу»-дамбаларини таъмирлаш пули; «Отланиб»-хоннинг ови учун йиғиладиган пул; «туман пули»-амалдорлар учун йиғиладиган пул; «Мушрифона»-ер ўлчовчи ва ҳосилни аниқловчи учун йиғиладиган пул; тутун пули, қаровул пули, тарози пули, улоқ тутув ва хоказо. Бу солиқлар халқни қашшоқлаштиради. Шунинг учун халқ ғазабланиб, инсофсиз амалдорларга, қулфурушликка қарши бош кўтарди. Ҳамма томонлама заифлашиб қолган Хива хонлигини Рус армияси 1873 йили осонгина босиб олиб, ўзига вассал қилган. Энди халқнинг турмуши янада оғирлашади, айна пайтда Хоразмга рус сиёсатининг, маданиятининг кириб келиши прогрессив аҳамият касб этади. Илғор зиёлилар орасида сулҳпарвар, рус маданиятига мойиллар қатлами пайдо бўлди. Айниқса Хевада рус тузем мактаблари ва типографиянинг очилиши уларнинг сонини кўпайтирди. А.Навоий, М.Хоразмий, Огаҳий анъаналарига суяниб ижод қилаётган К.Хоразмий, Баёний, Мирзолар ижодида рус демократик адабиёти ва маданиятининг таъсири ўлароқ миллий реслистик руҳдаги тараққийпарварлик анъаналари асосига қурилган илғор демократик адабиёт майдонга келди. У ёрқин истиқболга эга бўлган муҳим ижтимоий ғояларни илгари сурувчи илғор адабиёт бўлди. К.Хоразмий ана шу адабиётнинг пешқадам намоёндаларидан бири бўлиб, Хоразмдаги мураккаб тарихий вазиятда, тенг бўлмаган адабий жараёнлар кураши муҳитида яшаб ижод этди.

Муаммо:

Комил Хоразмий бадиий ижод оламига қандай кириб келган, ҳаётнинг машаққатини ҳис қила оладиган даражада эдими, ўша пайтда?

К.Хоразмий 1825 йили Хива шаҳрида мударрис Абдулла Охунд оиласида туғилган. Унинг исми Ниёзмухаммад бўлиб, тахаллуслари – мусиқий асарларда “Паҳлавонниёз”, тарихий асарларда “Матниёз”, адабий асарларда эса Комил Хоразмий бўлган.

К.Хоразмий Хивадаги мактаб ва мадрасаларда таҳсил кўрган. Илми-толиблик даврда отадан етим қолади. У мадраса тахсилини икки йилга тўхтатиб, она томонидан бобоси савдогар Хўжаш Макрам кўлида хизмат қилиб рўзғор тебратишда онасига ёрдам беради. Сўнгра тахсилни давом эттириб муваффақиятли якунлайди. У мадраса дастурига мувофиқ араб ва форс тилларини мукамал ўзлаштиради. К.Хоразмийда санъат ва адабиётга бўлган ҳавас эрта уйғонган эди. Илми толиблиги даврида Шарқ мумтоз

адабиёти билан танишуви унинг адабиёти ва санъатга бўлган хавасини кучайтириб юборди. Улуғ Алишер Навоий назмиётини алоҳида муҳаббат билан мутаола қилди. Унга эргашиб ўзи ҳам шоирлик ҳавасида шеър машқ қила бошлайди. У толиблик кезларида санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам ўз қобилиятини кўрсата бошлаган: у хаттотлик ва машшоқликда ҳам эътибор қозонади. К.Хоразмийнинг бундай кўп қиррали истеъдодини кўрган сарой аҳли уни хизматга таклиф қилади. У дастлаб 1856-65 йилларда хукмронлик қилган Хива хони Саид Муҳаммадхон замонасида саройда мирза – хаттот вазифасида ишлади. Сўнгра 1865 йилда тахтга ўтирган Муҳаммад Раҳимхон II Феруз замонасида эса мирзабоши вазифасини бажарган.

1873 йилда Рус харбийларининг Хива хонлигига қилган юришида ҳам К.Хоразмий мирзабоши эди. Руслар Хивани босиб олиб, хонини вассал сифатида ўз тахтида қолдирганларидан кейин К.Хоразмийни девонбеги вазифасига тайинлашади. К.Хоразмийнинг бу даврларда халқ ва мамлакат олдидаги тарихий хизматлари катта бўлган. Айни пайтда у хаттотлик ва мусиқа билан ҳам шуғулланган ва бу соҳаларда ҳам катта шухрат топган. К.Хоразмий ўша давр маданий ҳаётида китоб тузиш ва тарқатишда муҳим роль ўйнаган хаттотликда кўп шогирдлар етиштирган устоз даражасига кўтарила олган эди. Унинг тарбиясида –Муҳаммад Паноҳ, Худойберган Мухрхон, Муҳаммадшариф Тарро, Матёқуб Харрот ва нихоят, шоир ўғли Муҳаммад Расулларни кўрсатиш мумкин. Айни пайтда К.Хоразмий Петербург ва Тошкентда рус мусиқий нотасини ўрганиб, ундан андоза олиб ўзбекча нота кашф қилди. Уни «танбур нотаси» деб номлади. К.Хоразмий бу янги системада куйларни ёзиб олиш учун халқ ўртасида энг машхур бўлган мусиқа асбобларидан бири танбурдан фойдаланган. К.Хоразмий бу нотада «Рост» мақомининг бош қисмини ёзиб улгурган. Шоирдан кейин унинг ўғли Муҳаммад Расул отаси бошлаган ишини давом эттириб, Хива «Шашмақом» ининг ҳаммасини шу нотада ёзиб олган эди. Бу мақом ноталари икки катта китобдан иборат бўлиб, бизгача сақланган. У бастакор сифатида куйлар ҳам яратган. Унинг «Рост» мақомига боғлаб яратган куйларидан «Мураббаи Комил» ва «Пешрави Феруз» куйларининг нотаси бизгача етиб келган.

Таянч тушунчалар.

Теократик тузум, хаттотлик санъати, девон тузиш тартиби, тошбосма ва қўлёзма китобат, мусаввирлик, оҳанг ва нота, шеъринг ҳасби хол ёзишнинг сабаблари ижтимоий-ҳаётинг муҳит ҳақида шеъринг назмий фикр билдириш ва унинг омиллари ҳақида шарҳ.

Шундай қилиб К.Хоразмий шоир сифатида адабиётимиз тарихида ўзига муносиб ўрин эгаллаш билан бирга, хаттот, мусиқачи-мусиқашунос ва давлат арбоби сифатида ҳам

ўтмиш маданиятимиз тараққиётида маълум хизматлари билан шухрат қозонган. Таржимон сифатида тарихда қолган.

К.Хоразмий поэтик ижод билан шуғулланар экан, у мумтоз адабиётимиз анъанасини давом эттириб, ғазал, мухаммас, мусаддас, маснавий, рубоий, қасида каби турларда асарлар яратар экан, унинг ижодида адабиётимизда кам учрайдиган мусаббаъ, баҳри тавил каби шеърӣй шаклларнинг ҳам характерли намуналари учрайди.

Комил Хоразмий ўз асарларини тўплаб, девон тузган. Унинг девони бизгача турли вариантларда, қўл ёзма ва тошбосма шаклларида етиб келган. Бундан ташқари, XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида Хоразмда тузилган қўлёзма баёзларнинг деярли ҳаммасида Комил Хоразмий шеърларидан намуналар учрайди.

К.Хоразмийнинг девони шоир ҳаёт вақтидаёқ нашр этилган. шоир девонининг биринчи наشري 1881 йилда Хива литографиясида босилган. Бу девон 204 бетдан иборат бўлиб, 1773 байтни ўз ичига олади. Шоир девонининг иккинчи наشري ҳам шу Хива литографиясида 1895 йилда босилган.бу девон ҳам шоир ёзган ҳамма шеърларни ўз ичига олмаган бўлса ҳам, олдинги нашрига нисбатан анча тўлиқдир. Девоннинг иккинчи наشري 232 бетдан иборат бўлиб, 2850 байтдан иборатдир. К.Хоразмий девонининг учинчи наشريёса Тошкентда, шоир вафотидан сўнг 1909 йилда босилган. «Девони мавлоно Комил маъ таворихи шоҳони Хоразм» деб аталган бу китоб, афтидан, Комил Хоразмий асарларини тўплаш ва нашр этиш мақсадида тузилмаган бўлса керак. бу девонга шоир асарларининг маълум қисмигина – 2399 байти киритилган. Шундай қилиб, шоирнинг ҳаётлигида Хивада нашр қилинган иккала девон ҳам, Тошкентда нашр қилинган учинчи девон ҳам Комил Хоразмий асарларининг тўлиқ тўплами эмас.

Комил Хоразмий асарларини ўз ичига тўла олган девонлар бизгача қўл ёзма ҳолда етиб келган. Улар Ўз.Р.Ф.А. Шарқшунослик институти ҳазинасида сақланаётган девонлардир. Бу девонларнинг биринчиси ўзининг тўлалиги билан ажралиб туради. У 280 бетдан иборат бўлиб, 3680 байтни ўз ичига олган, у ҳар жиҳатдан шоир асарлари тўпламининг асосли ва ишончли нусҳасидир.

К.Хоразмий ўз шеърларини икки тилда – ўзбек ва форс-тожик тилларида ёзган. Шубҳасиз, унинг адабий меросида ўзбек тилида ёзилган шеърлар кўпчиликни ташкил қилади.

К.Хоразмий асарларини XX асрда талаб даражасида бўлмаса ҳам ўрганилди. Унинг асарларидан намуналар дарсликларга таскираларга киритилди. 1961 йили «Танланган асарлари» нашр қилинди. Бу тўпламда шоирнинг 36 та шеъри-ғазал, мухаммас, маснавий, рубоий ва фардлари нашр этилди.

К.Хоразмий лирикасида қатор оригинал мазмунга эга бўлган ва жонли ҳис-туйғуларни жозибадор услубда ифода қилган бир қатор асарлар учрайди.

Кулмадинг бир, то мани юз қатла гирён қилмадинг,
Тутмадинг бир жом, то кўнгул тўла қон қилмадинг.

Ёки

Сирри ишқинг, неча пинхон туттим элдин, эй пари,
қўймадинг Комилни то расвойи даврон қилмадинг.

К.Хоразмий ўз ижодий фаолиятида мумтоз поэзиямизнинг мусаббаъ (еттилик), баҳри тавил каби кам ишлатиладиган шеърӣй шаклларида ҳам муваффақият билан фойдаланган шоирдир.

Бўл меҳру вафо йўлида собир,
Ҳар навъ жафо етушса шокир,
Ондин несифат шу ўлса содир,
Зинҳор маломат этма зоҳир,
Кўр булбулу гул ишини охир,
Булбул кўтарурда ошёнин,
Гул дедики: «Ҳусн гулу жаҳон пок»

Шунингдек шоир шеър тузилишида муҳим роль уйнайдиган ички қофия яратишда ҳам катта маҳорат қозонган. Унинг «гул» радифли шеърда ички қофия яхши ишланган бўлиб, шеърнинг бадий ҳусусиятини, таъсир кучини оширган:

Бўлди булбулларға гулшан ичра ҳуснинг шавқидин,
Нола гул, афғон гулу, алхон гулу, минқор гул...
Гулшани базм ичра ҳар феъл ўлса гар сандин аён,
Ноз гул, рафтор гул, гуфтор гул, атвор гул...
килди Комил таъбини шаҳ лутфан гулзор ўйлаким:
Маснавий гул, қитъа гул, абётгул, ашъор гул...

Комил Хоразмий таржимон сифатида ҳам машҳурдир. У шарқнинг икки нодир асарини форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Улардан бири «Маҳбубул-қулуб», XVIII аср ёзувчиларидан Бархўрдор бин Маҳмуд туркман Фароқийнинг асари бўлиб, насрий йўлда ёзилган. Кичик ҳикоя ва латифаларни ўз ичига олади. 1865 йилда таржима тугалланган. Иккинчиси «Латойиф-ат тавойиф» яъни «Турли тойифаларнинг латифалари» асари XVI асрда яшаб ижод этган ёзувчилардан Сафийнинг асаридир. Сафийнинг асл исми Фаҳриддин Али бўлиб, у машҳур адабиётчи, Навоийнинг замондоши Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғлидир. Сафий бу асардан ташқари «Рашахот» ҳамда «Маҳмуд ва Аёз» асарларини ҳам ёзган.

«Латойифат - тавойиф» асари олимлар, шоирлар, шайхлар, дарвешлар, қаландарлар ва бошқа тойифа кишилар ҳаётидан олинган кичик хажмдаги ҳикоялар ва латифалар тўпламидир. Унда А.Жомий ва А.Навоийлар ҳақида ҳам кўпгина ҳикоялар учрайди.

Хуллас Комил Хоразмий адабиётимиз ва маънавиятимизнинг машҳур арбобларидан биридир. Унинг энг муҳим тарихий хизмати шундаки, у ўзбек мумтоз адабиётининг илғор анъаналарининг меросхўри бўлиб чиқди ва уларни XIX асрнинг иккинчи ярмида Хоразмда давом эттириб, у ерда прогрессив адабиётнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Ақлий хужум учун саволлар.

1. К.Хоразмий яшаган давр Хоразм адабий муҳити ҳақида гапиринг.
2. К.Хоразмий ҳақида Огаҳий нима деган?
3. К.Хоразмий ўз замонаси ижтимоий ҳаёти ҳақида билдирган фикрлари.
4. К.Хоразмийнинг рус босқинчилигига муносабати қандай бўлган?
5. К.Хоразмий ижодига хон Ферузнинг муносабати қандай бўлган?
6. К.Хоразмий лириканинг қайси жанрларида ижод қилган?
7. К.Хоразмий қайси тойифа кишиларини танқид қилган?
8. К.Хоразмий қайси руҳдаги асарларни таржима қилган?
9. К.Хоразмий мусикий нота илмини қаерда ўрганган?

Адабиётлар

1. Каримов ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. III нашри Т. 1987 йил.
2. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т. 1993 йил.
3. Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафкураси. Т. 1993 йил.
4. Комил. Девон. Т. 1975 йил.

Мавзу: Баёний ҳаёти, ижоди ва адабий мерос.

(2 соат)

Режа

1. Баёний яшаган оилавий ва адабий муҳит;

2. Баёний ижодининг ўрганилиши;
3. Баёний тарихчи олим ва таржимон;
4. Баёнийнинг адабий илмий мероси.

Муҳаммад Юсуф Баёний 1858 йили Хива хонларидан бири 1804-1806 йиллари хонлик қилган Элтузархоннинг ўғли Бобожонбек Оллоберди тўра оиласида туғилган. У ёшлигидан сарой муҳитидаги мактаб ва мадрасада замонасининг забардаст олим муаллимларидан сабоқ олиб улғаяди. Мунис ва Огаҳийлар таъсирида дунёқараши шаклланади. Алишер Навоий, Ғузулий, Бедиллар шеърятини меҳр билан мутоала қилиш билан бирга араб ва форс тилларини ҳам кунт билан ўрганади. Саройда тез-тез бўлиб турадиган Навоийхонлик, Ғузулийхонлик сингари шеърхонликларнинг ёш муҳли сифатида доим иштирокчиси бўлар эди. Унга айниқса, Огаҳий ижоди ёқар эди.

Унинг ғазалларига ташаббулар қилиш билан шеърят оламига кириб келган Муҳаммад Юсуф, ўзи билган ҳақиқатни мисраларга туширишини ижодий усул сифатида қабул қилган. Эҳтимол таҳаллус танлашига ҳам ўзидаги манашу хусусият сабаб бўлгандир. Илмга чанқоқ Муҳаммад-Юсуф хонлик маъмуриятида хизмат қилишдан кўра адабиёт ва илм билан шуғулланишини устун қўяди. Мунис ва огаҳийни устоз бўлиб , уларнинг ишларини давом эттиришни маъқул қўяди . Унинг дастлабки шеърларини хива адабий муҳити ва умуман Хоразмлик адабиёт ихлосмандлари интиқ кутиб оладилар. Ўша даврда Хоразмда тартиб берилган тазкира ва баёзларнинг аксариятига Баёнийнинг шеърлари киритилган.Баёнийнинг шеърый маҳорати ва илмий салоҳияти ҳақида шоир Аҳмад Табибий бундай деб ёзади ;

« Баёнийки бор шоири ҳуш баён,
Сўз ичра килур дурри гавҳар айон.
Бу асли хон хонадонидин эрур ,
Сўзи руҳи эл жисмига жон эрур.
Муҳаммад Юсуфбек номи анинг ,
Хусул айламак илм коми анинг»

Баёнийнинг адабий меросини илмий тадқиқ қилиш асосан 1958 йилда нашр этилган Ўз.Р.Ф.А. нинг «Аспирантлар тўплами» даги: М.Йўлдашевнинг «Хоразм тарихидан қимматли манба» ва қ.Мунировнинг «Байний» сарлавҳли мақолалари билан бошланган. 1960 йили нашр қилинган Ўз.Р.Ф.А.нинг «Ўзбек адабиёти» IV томлигининг IV-И- китобида Баёний адабий меросидан намуналар берилган. Шунингдек ўша йили нашр этилган қ.Мунировнинг «Мунис,Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари» монографиясида ҳам Баёнийнинг адабий мероси ҳақида маълумот берилган.

Муаммо:

Баёний қайси табақа вакили? Нима учун у тож-тахтга
даъвогарлик қилмаган? Унинг устозларини биласизми?

Муҳаммадйусуф Баёний 1858 йили Хивада Бобожонбек оиласида туғилган. Бобожонбек 1804 йили 06 йилларда Хива хони бўлган Элтўзархонинг ўғли эди. Муҳаммадйусуф эса Элтўзархонинг набираси эди. Муҳаммадйусуф ёшлигидан илмга чанқоқ эди. Унинг болалиги эзгуликка даъват этувчи олиму фозиллар даврасида ўтади. Шунинг учун у диний ва дунёвий илимлар кенг ва чуқур ўрганади, ихлос қўяди хонлик ишларига аралашмайди. У ўз замонасининг машҳур шоири, тарихчи олими, мусиқашуноси, хаттоти ва таржимони бўлиб етишади. Араб, форс тилларини яхши билган, табобат илмини пухта ўрганган олим сифатида донг таратади. У сулс, куфий, райхоний, шикаста хатларини яхши ўзлаштирган, танбур чертиш ва ғижжак чалишда ҳам моҳир бўлган. У ўзига Баёний тахалусини танлаган. Баёнийнинг бир девони, Хоразм тарихига оид икки тарихий асари ва таржималари бизгача сақланган. Баёний ўз даврининг атоқли шоирларидан бўлиб, мумтоз шеърятимизнинг дейарли ҳамма турларида ижод қилган. «Девони Баёний»га кирган ғазалларида ишқ-мухаббатни куйлаш, дунёвий мухаббатни улуғлаш билан бирга, жабрстамдан норозилик кайфиятини ҳам ифодалайди.

Баёнийнинг тарихий-мемуар асари «Шажараи Хоразмшоҳий» дир. У бу асари билан Хоразм тарихини ёритган Мунис, Огахийлар бошлаган шунинг давомчиси сифатида кўринади. Асарда Ёфасдан кўнғирот шўбасигача ўтган мўғил хонлари ва Абдулғозихон, Элтўзархон, Муҳаммад Иноқ, Авазбий, Муҳаммад Раҳим I Оллоқулихон, Раҳимхўш, Муҳаммад Амин, Абдулла, қутлукмурод, Саидмуҳаммад, Муҳаммад Раҳим Феруз, ва Асфандиёрхон даври ифода этилган.

Баёний оригинал тарихий асарлар ёзиш билан бир қаторда кўпгина тарихий асарларни турли тиллардан ўзбек тилига таржима қилган. У Мавлоно Дарвеш Аҳмад томонидан 1681 йили араб тилида ёзилган умумий тарихга оид «Саҳоифул акбор» номли асарни ўзбек тилига таржима қилган. Асар муқаддимасида Баёнийнинг ўзи куйидаги маълумотларни келтиради. «Ўқувчиларга маълум бўлсинки «Саҳоифул ахбор» китоби Араб Ажам, Турк, Рум, Рус, Фаранг, Хинд, Арман ва умуман ҳамма мамлакатларда бўлган тарихий воқеаларни ўз ичига олувчи бир асардир» Шунингдек Баёний А. Навоий мухитида яшаган шоир ва тарихчи Муҳаммад ал Хиравий-Биноийнинг 1512 йили ёзилган «Шайбонинома» асарини ҳам форсчадан ўзбек тилига таржима қилган. Асар муқаддимасида шоир таржимон Баёний ниҳоятда камтарлик билан битган қитъада:

Бу номага ким Баёний урди қаламин,
Юз минг ташвиш била этди рақамин.
Ким кўрса хатосин этгай албатта саҳиҳ,
Зинҳор дариғ қилмагай карамин.

Баёнийнинг ўз қўли билан ёзилган бу китоб, жуда қимматли нусҳадир. Китоб мутаржимнинг дастхатида эканлигини яна ўша муқаддимадаги «Фақир, ҳақир мутаржим-Баёнийнинг хотирига андоғ хутур этадирким, Шайбонийхон Хоразмни олиб, андин сўнг қайтиб, Бухорога боргандир. Анинг тафсили бу нусҳада саҳват қолибдур, ё буким бурунги нусҳада ушбу ердин бир неча варақ тушиб, йўқ бўлган экан» - дея оригиналга ўз муносабатини билдиради. Баёний Абу Жаъфар Муҳаммад томонидан араб тилида ёзилган IX асргача бўлган Хуросон ва Мавароуннаҳрнинг умумий тарихига оид «Тарихи Табарий» номли асарни Балъамий томонидан форсчалаштирилган нусҳасидан ўзбек тилига таржима қилган. Бу ҳақда таржиманинг аввалида ўқиймиз «Маълум бўлсинки, мен Муҳаммадйусуф Баёний бу асарни 1311 (1893-94) йили тожик тилидан ўзбек тилига таржима этдим. Бу асар тўрт жилддан иборат».

Ақлий хужум учун саволлар.

1. Баёний табиатан қандай ижодкор?
2. Баёний ижодидаги лирик жанрларни сананг.
3. Баёний ижодининг мавзулари ҳақида гапиринг.
4. Баёний ёзган тарихий китоблар ҳақида гапиринг.
5. Баёний таржима қилган «Тарихи Табарий» дан Ҳамид Олимжон қайси образни олган?
6. Баёний нима учун «Шайбонийнома»ни таржима қилган?
7. Баёний кимларни хажв қилган?

Адабиётлар.

1. Ўз.Р.Ф.А. Ўзбек адабиёти. IV томлик. IV том. Т. 1960 й.
2. Муниров қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. Т. 1960 й.
3. Ўз.С.Э. 2-жилд. Т.1972 йил. 24-бет.

Мавзу: Аҳмад Табибий ижоди ва адабий мероси.

(4 соат)

Режа:

1. А.Табибий ижодининг ўрганилиши;
2. А.Табибий яшаган адабий – ижтимоий муҳит;
3. А.Табибийнинг таржимаи ҳоли;
4. А.Табибийнинг лирикаси ва достони;
5. А.Табибийнинг адабий-бадиий мероси.

Аҳмад Табибий XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Хивада яшаб, ижод этган сермахсул шоирлардан биридир. Табибий ҳақидаги дастлабки илмий маълумотни рус олими А.Н. Самойлович берган. Унинг 1908 йилда Хивага қилган илмий сафари ҳақида ёзган ахборотларидан бирида шоир Табибий ва унинг «Машмуатуш шуаро» тазкираси тўғрисида ҳам маълумот бор. А.Н.Самойлович ўз ахборотида тазкиранинг мазмуни ва мундарижасини қисқача характерлаб Феруз, Мирзо, Баёний, Шиносий, Хабибий, Хақирий каби шоирларнинг шеърларидан таржима қилиб келтиради.

Шоирнинг замондоши Муҳаммадамин Лаффасий ёзиб қолдирган «Хива шоир ва адабиётчиларнинг таржимаихоллари» таскирасида Мунисдан бошлаб 65 шоир ва

адибнинг таржимаи холи тадрижи холда берилган. Тазкирада Табибий таржимаи холи ва унинг замондошлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар бор.

Табибийнинг ҳаёти ва ижоди 1945 йилда тузилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» га киритилган. Умуман XX аср адабиётшунослари, Раҳмат Мажидий, М.Юнусов, В.Мирзаев, Ю. Юсупов ва Ғ.Каримовлар ўзларининг дарслик ва монографияларида Табибий ижодий мероси ҳақида қисқа-қисқа тўхталган бўлсалар, Ф. ғанихўжаев А. Табибийнинг ҳаёти ва ижоди юзасидан номзодлик диссертациясини ёзиб, ҳимоя қилди ва 1978 йилда «Табибий» номи билан нашр қилдирди.

Муаммо:

Нима учун Аҳмад Табибий шеърларини ўрганишдан чўчиганлар? У қандай оилада тарбияланган? Табибий қандай ижтимоий муҳитда вояга етган? У мумтоз назмнинг қайси турларида ижод қилган? Сиз унинг шеърларидан намуна ўқиганмисиз? Сиз унинг ижоди ҳақида қандай тушунчадасиз?

Аҳмад Табибий 1869 йилда Ҳива шаҳрида туғилди. Шоирнинг отаси Али Муҳаммад Ҳивадаги машҳур табиблардан эди. Афғонистонлик бу ҳоним кейинчалик Хоразмга келиб турғун бўлиб қолган ва Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг қайниси Отатойтўра хизматида бўлган. Шу билан бирга у атторлик билан рўзғор тебратган. Шоирнинг исми Аҳмад Табибий унинг адабий таҳалусидир. Али Муҳаммад ўғли Аҳмадни ёшлиқдан мактаб ва мадрасада ўқитиб, форс тилини ўрганади. Аҳмад ўзининг ғайрати туфайли тез орада саводли бўлиб етишади. Отасига шогирд тушиб табиблик илмида ҳам хабар топади. У тиб илмига жуда қизиққанидан замонасининг машҳур табиби, шоир Баёнийнинг акаси Яхшимуродбек ҳузурида узоқ вақт ишлаб, ундан илм ўрганади.

Лафасийнинг таърифига, Аҳмад паст бўйли очик юзли, ширин тилли, нозик табиат, хушмомила бир киши эди, кўпинча шоир Аваз билан бирга бўлар эди. У шахмат ўйинига ғоят уста, бундан ташқари мусиқа санъатини ҳам яхши эгаллаган. Шоирнинг замондоши Ходимнинг ҳикоя қилишига, агар у соз ва танбурни қўлга олиб «наво» мақомини чалса, кишиларни мафтун қилиб қўяр эди.

Аҳмад адабиёт ва санъатга меҳр қўйиб, мумтоз адабиётни, форс – тожик ва озарбайжон адабиётининг суҳбатида, турли адабий мажлисларда иштирок этиб тез орада шоирликда ҳам шуҳрат топади.

Хон Феруз Аҳмаднинг билимдонлигини, шеъриятдаги маҳоратини кўргач, уни саройга таклиф қилади. Табибийнинг замон шароити билан келишмасликка иложи йўқ эди. У хон саройида табиб бўлиб хизмат қиларкан, ижодий иш-шоирликни ҳам давом

эттирган. Табибий жуда кўп кишиларга ғамхўрлик қилади, ёрдамини аямайди. У айниқса Аваз Ўтар ўғли билан яқин муносабатда бўлиб, унга илм, ахлоқ ва шеърят бобида кўп нарсалар ўргатади. Аваз ҳам уни устоз деб билади:

Не ғам эмди, Аваз, назм илмида бўлсанг Табибийдек,
Ки дерлар, кўрган эл назмингни, устозингга салламно.

Табибий саройда хизмат қилиб хурмат қозонган бўлса-да, ортиқча манфаат кўрмаган. У дўкон очиб беморларга дори – дармон сотиш билан рўзғор тебратган.

Табибий Арабистон, Эрон, Афғонистон ва Хиндистондан келган савдогарлар билан улар тилида бемалол гаплашар, улардан дори -дармонлар билан бирга турли китоблар сотиб оларди. Ўрта ҳол турмуш кечирарди. Табибий умрининг охирларида оддий халқ каторида беором ҳаёт кечирганлиги ҳақида Лаффасий тазкирасида ўқиймиз: «Аҳмаджон Табибий Ферузнинг вафотидан кейин ҳеч биронта фузало амалдор ва сипоҳийлар билан алоқа қилмади. У ўпка касалга чалиниб натижада шу касал билан қирқ икки ёшида 1910 йилда ҳасрат ва надомат билан дунёдан ўтди».

Табибий ўз даврининг ўқимишли, тараққийпарвар кишиларидан эди. Хоразмнинг тарихчиси Баёний «Шажараи Хоразмшоҳий»сида Табибийни:

Табибийкидур шоири муҳтарам,
Найлай онинг атворин айлаб рақам,
Маорифда бордир бағоят ориф,
Мажлисида доғи ҳарифу зариф,
Пур ойинадур сўзлари сарбасар,
Румуз они аксидадур жилвагар,
Сурар нукта лутфила ул нуктадон,
Кўриб сўзларини дедим: «Алҳамон!» - дея таърифлайди.

Аҳмад Табибий ёшлик чоғидаёқ, ўз асарлари билан халқ орасида танилган шоир бўлса-да девон тузишга журъат этмаган. Унинг ёзган шеърлари пароканда ҳолда эди. Кунларнинг бирида Феруз хон Табибийга ўз шеърларини тўплаб девон тузишни буюради. Табибий ўзбекча ва тожикча шеърларини алоҳида-алоҳида девон ҳолига келтиради. Шоир бу ҳақда ўзининг «Мунисул ушшоқ» девонига ёзган «дебоча»сидаги ёзганини ўқиймиз: «Бу фақир қўлида жамъ бўлгон китобнинг сони беш девондир. Аларнинг учтаси туркий ва икkitаси тожикчадур. Биринчисини адолатли шоҳга ҳадя қилиш сабабидин «Тухфатус-султон» деб атадим, иккинчи девонга ошиқлар унсияти сабабидин «Мунисул-ушшоқ» номи берилди. Учинчисига фақат ишқ ҳолатларидин гапирилгани важҳидин «Миръотули-ишқ» деб ном -қўйдим. Тўртинчи девонга ошиқлар ўқиб ҳайрон бўлсинлар деб,

«Ҳайратул-ошиқин» деб ном қўйилди. Бешинчиси бедиллар иштиёқи жилвагоҳи бўлғони сабабидин «Мазхарул-иштиёқ» деб аталди» - дейилади.

Табибийнинг бутун адабий мероси, шоир умрининг сўнгги йиллари 1906-1910 йиллар оралиғида қўчирилиб чоп этилган. Бунга қадар Табибийнинг лирик асарлари ўша даврда тузилган баёзларга киритилган. Улардан 12 таси ҳозиргача сақланмоқда. Булардан ташқари фақат Табибий ғазалларини ўз ичига олган 8 та тўплам бизгача сақланган.

Табибий девонларига мумтоз лирикамининг ғазал, мухаммас, мусаддас, мусаммал, мурабба, маснавий, қасида, рубоий каби жанрлари киритилган. Бундан кўринадики, шоир ўз сафлари ижодидан юзага чиққан ва адабий ҳаётда расм бўлиб қолган ҳамма жанрлардан унумли фойдаланиб уни ривожлантирган.

Табибий лирикасининг асосий мавзуларидан бири ишқ-муҳаббатдир. Шоирнинг ишқий шеърлари ўзининг мазмундорлиги, оҳангдорлиги, турли бўёқларга бойлиги ва шаклининг ҳар томонлама ранг-баранглиги билан диққатга сазовордир. Табибий лирикасининг мазмунини ёрга ҳақиқий муҳаббат, унга чексиз садоқат, ҳижрон билан курашиш, ҳар қандай азоб-укубатларга бардош бериб, унинг васлига интилиш, унинг севгиси билан фахрланиш ғоялари ташкил этади. Табибийнинг ишқий ғазаллари орасида юрак ҳарорати ва тўлқини билан ишқни, унинг ҳаяжонларини, гўзалликни дилдан хис қилиб яратилган ғазаллар талайгина.

Боғ аро то оразу зулфинг намоён айладинг,
Сўлдириб гулнию сунбулни паришон айладинг,
Сарв ила шамшод боттилар хижолат лойиға,
Чун чаманда ноз ила қаддинг хиромон айладинг.
Жоду кўз бирла боқиб гирён нигоҳи фитнасоз,
Наргиси бечорани мабхуту ҳайрон айладинг.
Очибон меҳри саҳар янглиқ биноғўшингни ҳам,
Оқибатдин субҳи маъзулу урён айладинг.

Келтирилган мисолдан кўринадики, шоир бу ғазалда чиройли бир эпизод яратган. Боғ деганда киши кўз олдига ажойиб манзара келади. Унинг ўзига хос гўзаллиги бор: унда кўм-кўк дарахтлар, анвойи гуллар, зилол сувлар ва булбуллар бўлиши табиий. Лекин шоир тасвирлаётган маҳбуб шу қадар гўзалки, у боққа киргач, унинг хусну-латофати, одоб-ҳаёсини кўриб очилган гуллар хижолатга тушади, зулфига юзма-юз келган сунбул ақлдан озади, ёр қоматини кўрган сарв дарахтлари изтиробга тушадилар. Ёр ўтли кўзлари атрофга шундай ибо билан қарайдики, уни кўрган наргис бу фазилатларга ҳайрон қолади.

Табибий лирикасида ошиқлар кўпинча хурсандчиликдан кўра ўз мақсадларига – машуқаларига ета олмаслик хусусида чуқур ҳаяжон билан ҳасрат қиладилар. Бунинг

чуқур ҳаётий илдизлари бор, албатта. Юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғини шоирнинг мана бу мураббасида яққол ҳис қиламиз.

Мен каби йўқдир жаҳонда бир асиру нотовон,
Ким сариг юз узра қон ёшим эрур доим равон,
Кўрса ҳолим йиғлагуси бегумон қизу жувон,
Хотиримда ул санам ишқи ғами озоридур.

Табибӣй лирикасидаги бу каби қалб нидолари унинг фақат шахсий туйғусигина эмас, балки замон, давр садосининг реал акси ҳамдир. Шоир инсон севгисини кадрлаб уни шу даража кўкларга кўтарадики, унинг давосини хатто Лукмон-табобатнинг отаси бўлган шахс ҳам топа олмайди:

Иложин айлай олмассен, Табибӣй, ишқ дардининг
Табобат фанни илми ичра гар Лукмони давронсен.

Бундай шеърлар Табибӣйнинг гўзаллик, муҳаббат, вафодорлик куйчиси эканлигини, пок севгининг олижаноб кечинмаларини самимий куйлаганини кўрсатади.

Муаммо:

Табибӣй лирикасида ўз даври ижтимоӣ – сиёсий тузуми, халқнинг турмуши қандай ёритилган?

Табибӣй девонларида фақат ишқий ғазалларгина эмас, балки ижтимоӣ-фалсафӣй ғояларни ифода этувчи шуърлар ҳам кўп учрайди. Унинг қатор ғазал ва рубоӣйларида давр садоси ўз ифодасини топган. Маълумки, Табибӣй даврида халқ ниҳоятда оғир аҳволда яшар, маҳаллий феодаллар томонидан қаттиқ зуғум ўтказилар эди. Бу масала Табибӣй ва бошқа тараққийпарвар шоирлар ижодида акс этмай қолмади, албатта. Табибӣй ҳам ўзининг ана шу норозилигини ғазалларида турли йўллар баён қилди. У шкоятнинг асосий мазмунини бошқа шоирлар каби фалак, баъзи бир жоҳил амалдорлар, бевафо ёр ва шунга ўхшаш нарсалар билан боғлади:

Оламга боқсанг, ҳосили бошдин-оёқ кулфат эрур,
Бир роҳатининг кейнида беҳаду сон меҳнат эрур.
Бир ошиқи ким лаҳзаи топса висоли дилбарин,
Доим ҳамул бечораға, сўнгра ғами фурқат эрур.
Йўқтур жаҳонга эътимод ушбу жиҳатдин, эй кўнгул,
Ким инқилоб этмак анга даврон аро одат эрур.

Табибий ўзининг замон тўғрисидаги қарашларини дастлаб севги ҳақидаги ғазалларида ифода этади. Шу ўринда айтиш керакки, айрим адабиётшуносларимиз яқин ўтмишимизгача, ғазал жанрида фақат интим туйғулари куйланади, деган янглиш фикрида эдилар. ғазал жанринг пайдо бўлган дастлабки даврлари учун бу фикр тўғри бўлса бўлгандир, бироқ ғазал жанрининг умумий мазмунини тўғри ифодалаш учун характерли эмас.

А.Мирзаев, А.Ҳайитметов, ғ.Каримов сингари олимларимиз ўзларининг бу масалага бағишлаган илмий ишларида ғазал жанрининг барча хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш асосида, ғазалда севги туйғулари билан бир қаторда жуда муҳим ҳаётий масалалар, фалсафий мушоҳадалар ҳам ўз ифодасини топиши мумкинлигини қайд қилиб ўтганлар. Уларнинг фикрларини тасдиқловчи мисраларни Табибий ғазалларидан ҳам кўплаб учратиш мумкин. Бу ерда биз баҳри, радифи, кофияси, ўзининг бутун йўналиши билан муҳаббат масалаларига бағишланган, интим лирика, байт, мисраларда қисқартма тариқасида айтиладиган муҳим ижтимоий масалалар – жамият, ҳаёт, одоб-ахлоқ тўғрисида баён қилинган фикрларга эътиборни қаратмоқчимиз:

Мехри жамоли ҳажрида тун-кун чекиб оху фиғон,

Бўлмиш Табибий бошиға бу даҳр зиндон ўзгача.

Ёки

Кўнглумки зулмингдин хароб бўлғон ажаб кошонадур,

Буғон они кўзунгдаги ул ғамзаи мастонадур.

Келтирилган ҳар икки байтдан шоирнинг ўз даври ва ижтимоий тузумга нисбатан бўлган муносабати кўриниб турибди.

Шундай қилиб, биз юқорида кўриб ўтган мисолларда Табибийнинг ғазалларида анъанавий мавзулар билан бирга ҳаётий масалалар анчагина ўринни эгаллаганини кўрдик.

Маълумки, ўзбек адабиётида муҳаммас жанри жуда кенг тарқалиб муҳим роль ўйнаган. Муҳаммас асосан уч усулда яратилади.

Шоир тўғридан-тўғри ҳар бири мисрадан иборат шеър-бешлик яратади. Бандларнинг сони чекланмайди. Шоир ўзининг бирон-бир ғазалини қўшиб муҳаммас яратади. Ёки шоир худди шу тарзда бошқа шоирларнинг ғазалларига муҳаммас боғлайди. Муҳаммас яратишда аввало шоир ўзининг дидига, фикр ва туйғусига яқин бўлган ғазалга муҳаммас боғлашга ҳаракат қилади. Демак, муҳаммас боғлаш оддий иш эмас, балки шоирнинг дунёқараши, орзу-умиди билан бевосита боғланган бир ҳодиса ҳамдир. Ҳар бир даврнинг илғор шоирлари ўзларидан олдин ўтган тараққийпарвар шоирларнинг

ғазалларига мухаммас боғлаб, унинг илғор фикрларини тарғиб қилишга ҳаракат қилганлар.

Мухаммас боғлаш иккинчи томондан, жуда ҳам катта санъат, маҳорат ва билим талаб қиладиган ижоддир. Чунки мухаммас боғлаётган шоир ғазалдаги ғоя, мақсад ва бадиий санъат намуналарини сақламоғи шарт. Шунинг учун мухаммас мушоира характериға ҳам эга. Зотан Навоий, Жомий, Саъдий каби улуғ санъаткорлар ғазалларидаги фикр ва ғояларни шулар даражасида ифодалаш ёхуд ривожлантириш учун катта маҳорат, кучли билам зарурким, бунга ҳар қандай ижодкор ҳам мушарраф бўла олмайди. Лекин Табибийнинг бу соҳада билими, маҳорати чакана эмаслиги маълум бўлди. Унинг девонларидаги мухаммаслар жами 518 та бўлса, шундан йигирмадан ортиғроғи Навоий ғазалларига боғланган мухаммаслардир.

Табибий лирик меросида ғазаллар билан бир қаторда рубоий, қитъа, туюқдан иборат тўртликлар ҳам муҳим ўрин тутади. Ҳар бири қисқа, лекин маълум сюжетга, чуқур ғоявий мазмунга, юксак бадиийликка эга бўлган асарлари билан шоир бу жанрларнинг ҳам таракқиётига катта ҳисса қўшган:

Сиз билан мажлисда ичдик то қимиз,
Даҳр аро ушшоқ ҳайлин тоқимиз.
Васлингиз маҳсулимиз айланг яна,
Ким онинг субҳи масо муштоқимиз.

Бу туюқда кетма-кет сўз ўйинлари бор. Биринчи мисрадаги то қомиз ичғунимизгача, иккинчи мисрадаги тоқимиз-ёлғизмиз, туртинчи мисрадаги «муштоқлик» маъноларида кетмоқда.

Табибий девонларида, шунингдек қасида ва маснавийлар ҳам анчагина. Аммо аксарият қасидалари ўз даври адабиёти учун характерли бўлган ҳукмдорларни мақташга қаратилгандир.

Табибий Огаҳий сингари ғазалларнинг тузилишига, композициясига алоҳида эътибор берган. Унинг ғазаллари кўп мавзули эмас. Шоир асосан бир мавзуни олади ва шу мавзу билан боғлиқ фикр, туйғу, ҳисни реал равишда кенг ёритади. ғазалдаги ҳар бир мисра ўзаро узвий боғланган бўлиб, улар ҳодиса, ҳис, туйғунинг мантикий ривож сифатида бир-бирини тўлдириб боради. Табибий ўз лирикасида арузнинг жуда кўп ва ҳилма-хил баҳрларидан фойдаланган. Айниқса, унда ҳазаж, рамал ва ражаз баҳрлари кўпроқ учрайди.

Хазажи мусаммани солим

(Мафойилун мафойилун мафойилун / мафойилун) /
V - - - V - - - V - - - V - - - /
Фалак золе ки андоқ бор дурур бир тур фа сайёра, /
Ки ҳар ким жуфт/анга бўлса килур, албат / та, аввора. /

Рамали мусаммани мақсур.

Фоилотун Фоилотун Фоилотун Фоилотун
V - - - V - - - V - - - V - - -
Кўзларинг ҳиж рон қоронғу шомиди бе дор
Жавир тиғи дин Табибий дек дилинг аф кор эди

Хазажи мусаддаси маҳсуф

(Мафойилун мафойилун фаулун
V - - - V - - - V - -
Ул ойдин то ки ишқ ичра жудомен,
Туганмас дар ду ғамга муб таломен.

Ражази мусаммани матвийи маҳбуи

Муфтаилун мафоилун муфтаилун мафоилун
-V V - V - V - -V V - V -V -
Гарчи ул ой вафоси йўқ, бўлмаса бўл масун нетай
Юз ситаму жафоси йўқ бўлмаса бул масун нетай

Маълумки, вазн, қофия, ҳам назмда жуда зарур ва муҳим омилдир. Улар мазмунга кучли таъсир этиб уни ёритишга хизмат қилади. Бу жиҳатдан қараганимизда табибий шеърларидаги қофия билан радиф ҳам пухта ва моҳирона ишлаган, у мисраларга узвий равишда боғланиб кетади.

Ишқингда мен девона,эй зебо санам,зебо санам,
Олам аро афсона, эй зебо санам,зебо санам,
Ишқингда бўлғач ошно ҳуши хираддин бўлмушам,
Субҳу масо бегона, эй зебо санам, зебо санам.

Бу ғазалда «девона», «афсона», «бегона» сўзлари қофия, «зебо санам» сўз бирикмаси эса радифдир. Бу ерда ифода воситаси сифатида ҳар бир қофиядаги маънони кучайтирувчи товушлар жуда усталик билан берилган.

Табибий лирикасида кўплаб адабий-лафзий санъатлар қўлланилганини кўрамыз. Жумладан у такрор санъатини маъно кучайтиришга ҳам хизмат қилдирган:

Кимки олим бирла суҳбат тутса ул

Порсдур, порсодур, порсо.

Жоҳилу нодонға ёр ўлғон киши,

Норасодур, норосодур, норосо.

Ёки:

Эй Табибий кўр ўзинг фазл аҳлидин

Камтарину, камтарину, камтарин.

Хуллас, Табибий ҳаётсевар шоир сифатида табиат гўзалликлари, дўстлик, севги васадокатни улуғлаш, илм-маърифатни, тарғиб қилиб, келажакка ишонч руҳдаги ғояларни, этироф этиши унинг ижодини Муқимий, Фурқатлар ижоди билан ҳамоҳанг эканлигидан далолатдир.

Ақлий хужум учун саволлар.

1. Табибий қандай оилада туғилиб вояга етган?
2. Шоир Табибийнинг асосий касби нима?
3. Табибийга девон тузишни ким буюрган?
4. Табибий лирикасининг жанрларини сананг?
5. Табибий лирикасининг мавзуларини айтинг?
6. Табибий нечта девон тузган?
7. Табибий ўз лирикасида қандай адабий санъатлардан фойдаланган?

Адабиётлар.

1. Каримов ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-нашр.Т.1987 йил.
2. ғанихўжаев Ф. Табибий Т. 1978 й.
3. Ўзбек адабиёти. IV томлик. IV том. I китоб. Т. 1960 й.
4. Ўзбек адабиёти.IV томликка илова.V том.II китоб.Т. 1968й.

Мавзу: Муқимий ижодий фаолияти ва адабий муҳити.

(4 соат)

Режа:

1. Муқимий ижодий меросининг ўрганилиши;
2. Муқимийнинг болалик ва ўсмирлик йиллари;
3. Муқимий толиби илм;
4. Муқимий ижодининг бурилиш даври;
5. Муқимий лирикаси;

Муқимий ҳаёт вақтидаёқ унинг ижодий фаолиятига бўлган турли муносабатлар, Муқимий атрофидаги фикрлар кураши унинг вафотидан сўнг янада кучаяди, турли тарихий шароитларда турлича шаклда давом этади. Чунки шоир Муқимийнинг шеърлари сиёҳи қуримасдан ҳофизлар томонидан қўшиқ қилиниб халқ орасига ёйилиб кетар эди. Унинг асарларини ўз ичига олган кўлёзма баёзлар асосан XIX асрнинг 80 йилларининг бошларига тўғри келади. Шулардан бири 1881 йилда китобат қилинган (Ш.и.ф.№1307) баёз бўлиб, унда Муқимийнинг «ўлмасун» радибли бир лирик шеъри киритилган. 1883 йилда китобат қилинган бошқа бир баёзда (Ш.и.ф.№1821) Муқимийнинг йигирмага яқин шеърлари жойлаштирилган. Бундан кейин тузилган баёзлардан эса Муқимий асарлари борган сайин кўпроқ учрайди. Бу фактлар Муқимийнинг 80-йиллар бошидаёқ, шоир сифатида кенг шуҳрат қозонганини кўрсатади.

1907 йилда, Николай Остроумов Тошкентда «Девони Муқимий» номли тўплам нашр эттирди. Тўпланининг охирига Н. Остроумов томонидан ёзилган мақола ҳам илова қилинган бўлиб, бу мақолада муаллиф шоирнинг таржимаи холи ҳақида маълумот беради, унинг шахсияти ва ижодий фаолияти баҳолайди. Н. Остроумов Муқимийнинг «умрини қаландарона ўтказмоқни лозим» топиб, таркидунё қилган, дарвишлик тариқатини қабул этганг киши, деб талқин қилади. Остроумов ўз тафсиғномасининг охирида Муқимий кундузлари дин ақллари хизматида бўлар ва мадраса хужрасида ўтирар, кечалари эса куръон ўқиш ва шеър ёзиш билан шуғулланар эди, деб кўрсатади. Шундай қилиб, Остроумов Муқимийни бу дунёдан воз кечган таркидунё қилган диндор бир шахс деб таъкидлайди.

1910 йилда Тошкентда Порцев литографиясида «Девони Муқимий маа ҳажвиёт» номи билан Муқимий асарларининг тўплами нашр қилинди. 1912 йилда яна Тошкентда Орифжонов типолитографиясида Муқимий асарларининг иккинчи тўплами нашр қилинди. Бу ҳар икки тўпланда ҳам Муқимий ижодий қиёфасини ёритишда Остроумов нуқтаи назари давом эттирилган. Муқимий ҳаёти ва ижодини ўрганиш масаласига тааллуқли бу фактлар шуни кўрсатадики, рус босқинчиларининг олимлари Муқимий

ижодини сохталаштириб, бузиб ўзларини унинг ижодини хомийси қилиб кўрсатишга уринганликлари кўриниб туради. Бу билан улар Муқимийни ўз одамларига айлантормоқчи ва унинг халқ ўртасидаги обрўсидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлганликлари билиниб туради. Уларнинг бундай қобик ниятларига қарши ўлароқ ўзбек халқи айниқса тараққийпарвар зиёлилари Муқимийни ўзининг севиқли ва кадрдон шоири сифатида хурмат қилиб келди, унинг шеърларини кўз қорачиғидай асради, севиб ёдлади, энг яхши кўрган куйларига солиб, тараннум этди. (Юбилейлар ҳақида, оғзаки).

1938 йилда республикамізда Муқимийнинг вафотига 35 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган хотирлаш юбилей даврида шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш соҳасида кескин бурилиш рўй берди. Юбилейга тайёргарлик даврида Муқимий асарларини тўплаш, ўрганиш, нашр этиш устида қизғин ва самарали иш олиб борилди, газета ва журналларда кўплаб мақолалар босилди. Бу мақолалар ичида ғофур ғулом ва Ҳамид Олимжон, Сотти Ҳусайнларнинг мақолалари эътиборга моликдир.

Муқимийнинг адабий меросини тўплаш ва нашр қилиш соҳасида шоир ғофур ғулом томонидан тузилиб, 1938 йилда Тошкентда нашр этилган «Муқимий баёзи» номли тўплам катта аҳамиятига эга бўлди. «Баёз»да шоирнинг 800 мисрадан иборат 27 шеъри берилган бўлиб, улар жанр турига қараб жойлаштирилган ва уларга зарурий изоҳлар, луғатлар берилган. Баёзнинг бош қисмида кичик сўз боши ҳам берилган бўлиб, унда шоир ижодини энг муҳим томонлари тафсифланган.

Муаммо:

Муқимийнинг ижоди ҳақидаги Н.Остроумов нуқта назари билан шоир ғофур ғулом нуқтаи назарини қиёсий таҳлил қилинг. Сизнингча шоирнинг ҳаёти ва ижоди қандай бўлган?

Муқимий ижодини ўрганиш масалалари XX аср адабиётшунослигининг аҳволи ва тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда давом этди, унинг кейинги йилларда эришган юруқларига асосланилган ҳолда ёритилди. Кейинги йилларда Муқимий ижодига бағишлаб чиқарилган китоблар: Х.Ёқубовнинг «Ўзбек демократ шоири Муқимий» (1953 й), А.Олимжоновнинг «Муҳаммад Амин Муқимий» (1953 й), Ҳ.Зариповнинг «Муҳаммад Амин Муқимий» (1955 й), Ҳ.Раззоқовнинг «Муқимий ва Завқий» (1955 й) номли китоблари ҳамда «Муқимий ва Фурқат» (1958 й) номли мақолалар тўплами, Муқимий «Танланган асарлар» ининг (1958 й) рус ва ўзбек тилларидаги нашри, Муқимийнинг икки асарлар тўплами (1960) бунга яққол мисол бўла олади. 1970 йилда ғофур ғулом номидаги

бадий адабиёт нашретида «Муқимий Ҳаёти ва ижоди» номида биринчи мартаба монография нашр этилди. Шубҳасиз, бу асарлар ва шу каби бир қатор ишлар адабиётшунослигимизнинг кейинги даврларда эришган жиддий ютуқларидир. Айни замонда XIX-XX асрлардаги адабий ҳаётимизни, бу даврда яшаб ижод этган йирик шоирлар фаолиятини шу жумладан атокли шоир Муқимий ҳаёти ва фаолиятини чуқур илмий асосда ўрганиш ҳамон ўзбек адабиётшунослигининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Муаммо:

Муқимий қандай ўқув юртларида таҳсил олган? қандай чет тилларини билган? Адабий ижод билан қайси йиллардан шуғуллана бошлаган?

Муҳаммад Аминхўжа 1850 йилда қўқон шаҳрида туғилган. Унинг отаси Мирзахўжа асли Тошкентлик бўлиб, 1835-36 йилларда ўз отаси Мирфозил билан қўқонга кўчиб келган. Улар қўқондаги Беквачча маҳалласидан ҳовли-жой қилиб, шу ерда ўрнашиб қолганлар.

Мирзахўжа қўқонда Бибиойша исмли қизга уйланган. Бибиойшани отаси Саидолим Нодиршоҳ ўғли бўлиб, улар ҳам Мирзахўжалар сингари Хўжанддан кўчиб келган ва қўқонда турғун бўлиб қолганлардан эди. Мирзахўжа билан Бибиойша беш фарзанд тўрт қиз ва бир ўғил кўрган эди.

Муҳаммад Аминхўжа мактаб ёшига етгач, уни ўз маҳалласидаги мактабдор домлага бердилар. Мактаб боланинг саводини чиқарди, унинг бадий завқини эса ойиласи уйғотади. Чунки унинг онаси Бибиойша замонасининг зийрак, ўқимишли ва бадий завқи юксак аёлларидан бўлган. У ўз эртаклари, қўшиқлари билан йиғинларга файз дугоналари қалбида завқ-шавқ уйғотиб, шаҳар аёллари орасида катта обрў қозонган. Бибиойшанинг дугоналари уни эркалаб Ойшабиби Хуморбиби деб аташар эдилар. Бибиойшадаги бу маънавий ҳислат, шубҳасиз, ўғли Муҳаммад Аминхўжага ҳам таъсир этган ва унда жуда эрта эстетик завқ уйғонишига сабаб бўлган. Муҳаммад Аминхўжа мактабни битиргач, ўқишни шоира Нодирабегим бино қилган «Моҳларойим» мадрасасида давом эттирган. Муҳаммад Аминхўжа илми толиблик йилларида ўзига Муқимий (турғун) таҳаллусини олиб, шеър машқи билан шуғуллана бошлаган. Муқимийнинг бир таърих жанрида ёзган шеъри борки, унда фикримизни тасдиқловчи маълумотлар бор.

Муқимий, тахминан, 1872-73 йилларда қўқон мадрасасини битиргач, ўқишини давом эттириш учун ўз даврининг илмий маркази ҳисобланган Бухорога боради. Муқимий бир неча йил давомида Бухорода бўлиши унинг маънавий такомилида сезиларли из

қолдирди. Айниқса, шоирнинг форс–тожик тилинимукаммал ўрганиб, у тилда бадий юксак шеърлар ёзишида Бухоро мухитининг таъсири кучли бўлди. Муқимий қўқон ва Бухоро мадрасаларида узоқ муддат давом этган ўқиш даврида ижодий иш билан шуғулланиб, талайгина шеърлар ёзган. Муқимийнинг мадрасаларда ўқиш даври 1865 йиллардан 1876 йилларгача давом этади.

Узоқ муддат мадрасаларда риёзат чекиб илм ҳазиналарини эгаллаб, «хатми кутуб» қилган мулло, зўр чидам ва қаноат билан ўз истеъдодини камолотга эриштириш йўлида меҳнат қилган шоир, 1876 йилда Бухородан қўқонга қайтиб келади. Одатда, «Бухорои шариф» да «хатми кутуб» қилган муллалар тантана билан кутиб олинар эди. Лекин Муқимийнинг қўқонга қайтиб келиши ҳеч кимни қизиқтирмади. Бир оз вақт ўтгач, шоир қўқондаги ер қурилиш маҳкамасидан иш топиб, оз вақт ишлади. Бўлмади. Оқчар паромидида паттачилик қилди. Бўлмади. Маҳкамаларда хизмат қилиш шоирга турмуш билан бевосита танишиши имконини берди. Бу эса унинг ижодида катта ўзгаришлар рўй беришига замин ҳозирлади. Ҳаётий фактлар, турмуш таассуротлари, халқнинг аянчили ҳаёти, ўз бошидан кечираётган фожиалари шоир ижодида чуқурроқ из қолдира бошлади. Шоир ҳамма жойда қашшоқликни, кулфатни, азоб-уқубатли турмушни кўрди. Ҳаётнинг бундай аянчли манзаралари шоирни ўйлашга, турмуш ходисалари ҳақида жиддий мулоҳазалар юритишига мажбур этди. Натижада шоир ўз ижодига ва адабиётга, адабиётнинг вазифаси, шоирлик бурчи каби масалаларга ўзгача ёндаша бошлади, ҳаёт ҳақидаги тушунчаси кенгайиб, уларни бошқача баҳолашга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, Муқимий ҳаётининг 1876 йилдан кейинги йилларини шоир бурилиш даври, янги ижодий нуқтаи назарга ўтиш даври, деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Бу даврда Муқимий илгари, ўз фаолиятининг илк даврида йўл қўйган ёт адабиётнинг баъзи бир таъсирларидан қутилади ва мумтоз адабиётнинг энг яхши анъаналарини ўзига сингдириб олган етук шоир сифатида уни бойитиб, ривожлантириб боради.

Муқимий ер қурилиши маҳкамасидаги мирзаликни қандай сабаблар билан тарк этган бўлса, худди шундай сабаблар билан Оқжар паромидидаги паттачиликдан ҳам воз кечди. Тирикчилик ишлари шу тақдирда муваффақиятсизликка учрагандан сўнг, 70-йилларнинг охирларида, Муқимий бутун борлиғи билан ижодий ишга шўнғийди.

Муқимий лирикасининг асосини муҳаббат мавзуси ташкил этади. Бу мавзу фақат мумтоз адабиётимиздагина эмас, балки жаҳон адабиётида ҳам жуда кўп ишланган ва унда қанчадан-қанча шоҳ асарлар яратилган.

Муқимий ўз лирикасида кенг маънодаги муҳаббатни Оллоҳга бўлган ишқни, муҳаббат алангасида куйган инсонни куйлаган. Бу инсон истаклари, армонлари, қурашлари, кечинмалари, севинч ва аламлари шоир шеърларининг туб моҳиятини ташкил

этади. Маълум маънода Муқимий лирикасини инсон руҳиятининг қомуси деб аташ мумкин.

Муқимий сўздан бўйи муҳаббат келгай, эй аҳбоб,
Тараннум қилса маҳфилларда ҳофизларни хушхони.

Муқимий яратган лирик қаҳрамон чинакам ҳаётӣ қаҳрамон бўлиб, шоир назмиётининг чуқур ҳаётӣлик ҳусусиятидан далолат беради. Муқимий лирикаси ўзининг мана шу ғоявий ҳусусиятлари билан халқ оммасининг руҳиятига жуда яқин эди. Шоир лирикасининг халқ ўртасида кенг шуҳрат қозонишининг ва севилиб қуйлашининг сири ҳам ана шундадир.

Муаммо:

Лириканинг бирон-бир жанри шоирга жуда ёқади. У шоирнинг имкониятларини тўла очишга хизмат қилади. Муқимийнинг мана шундай ёқтирган жанри қайси?

Адабиётимиз тарихида Муқимий мураббаъ жанрининг устаси эканлиги билан ҳам машҳурдир. Муқимий шеърятнинг бу жанрида жуда кўп чиройли намуналар яратган. Муқимий мураббаълари, унинг кўпчилик ғазал ва муҳаммаслари каби, ўзбек халқ қуйларига мослаб ёзилган. Улар ўзининг содда ифодаларида чуқур мазмунни англатиши, равонлиги, асосан, халқ қалбидаги нозик туйғуларни тараннум этганлиги учун халқ ҳаётига сингиб кетган.

Бизга Муқимийнинг 12 та мураббаъси маълум бўлиб, улар ўзининг ғоявий ва бадий ҳусусиятлари билан алоҳида диққатга сазовордир. Мураббаъларнинг деярли ҳаммаси ишқий мавзуда ёзилган. Лекин бу таниш мавзу мураббаъларда шу қадар усталик, шу қадар маҳорат билан ишлаганки, натижада мўъжизакор санъат асари юзага келган. Мана шоирнинг мазмунан тугал бенуксон мураббаъларидан намуна:

Энди сандек, жано, жанон кайдадур,
Кўриб гул юзингни боғда бандадур.
Сақлай ишқинг токи жоним тандадур,
Ўзим ҳар жойдаман кўнглум сандадур.

Меҳринг ўти ногоҳ тушди жонларга,
Парвойим йўқ зарра хону монларга,
Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга,
Ўзим ҳар жойдаман кўнглум сандадур.

Эртаю кеч фикру зикрим ҳаёлинг,
Бир сўрмадинг: «Налар кечди аҳволинг?»,
Эсларимга тушиб ширин мақолинг,
Ўзим ҳар жойдаман кўнглум сандадур.

Вокиф эрмас киши сенингаслингдин,
Токим десам пари сенинг наслингдин,
Во дириғо, жудо бўлдим васлингдин,
Ўзим ҳар жойдаман кўнглум сандадур.

Йўқ сан каби малоҳатлик яғона,
Кўрганмукан мисолингни замона,
Бўлиб халқ ичида мундоғ афсона,
Ўзим ҳар жойдаман кўнглум сандадур.

Юзларингдин хижил моҳи тобонлар,
Рафторингга шайдо жумла ёронлар,
қолиб ҳар дам ўз ишимга ҳайронлар,
Ўзим ҳар жойдаман кўнглум сандадур.

Султонсан, барча хўблар надиминг,
Дойим эрдим дуогўйи, қадаминг,
Бовужуди сўрмай ўттинг Муқиминг,
Ўзим ҳар жойдаман кўнглум сандадур.

Кўриниб турибдики, унда муҳаббат кечинмалари тасвирланади. Лекин шоирнинг маҳорати шундаки, кичик хажмдаги шеърда муҳаббатнинг бутун бир саргузашти ва таърихи: муҳаббатнинг туғилиши, кечинмалари, алам-хасратлари, шодликлари ва унинг тақдири кўрсатилган. Шеърнинг аниқ муқаддимаси ва хотимаси бор. Шунингдек, ундаги руҳий ҳолатлар ривождаги ички боғланиш, тадрижий ва мантиқий ҳаракат ҳам мавжуд. Мураббаъ бандлари ўзининг ғоявий вазифасига батамом мувофиқдир. Мураббаъ мазмунан ва шаклан мукамал бўлиб, ўқувчида ошиқ саргузашти ҳақида тўлиқ таассурот қолдиради.

Умуман Муқимий шеър ёзганда унинг жарангдорлигини, муסיқийлигини таъмин этадиган вазн, қофия, радиф масалаларига катта эътибор беради. У аруз вазнининг деярли

барча бахрларидан тўла хабардор бўлган. У кўпроқ арузнинг ҳазат, рамол, ражаз бахрларидаги вазн турларидан фойдаланган.

Ақлий ҳужум учун саволлар.

1. Муқимий қандай ўқув юртларида таҳсил олган?
2. Муқимий нима учун мадраса хужрасида яшашга мажбур бўлган?
3. Муқимийнинг қандай касб, ҳунарлари бор эди?
4. Муқимийнинг фарзанди ҳақида гапиринг.
5. Муқимийга моддий ёрдам бериб турган дўстларини сананг.
6. Шоирнинг жияни Р.Дўсматов ҳақида ва унинг тоғаси ҳақидаги хотиралари ҳақида гапиринг.
7. Муқимий лириканинг қайси жанрини жуда яхши кўрган?
8. Муқимий қачон вафот этган, қайси мазорга дфн қилинган?

Адабиётлар.

1. Каримов ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. қайта ишланган учинчи нашри. Т. 1987 й.
2. Муқимий. Асарлар. Т. 1974 й.

Мавзу: Муқимий ҳажвияси ва ҳажвиётчиликнинг янги босқичи.

(4 соат)

Режа:

1. Муқимий ҳажвгўй – шоир;
2. Муқимий ҳажвиётининг таснифи;
3. Шоирнинг «Танобчилар», «Сайлов» ва «Тўйи Иқонбачча» асарлари;
4. Муқимий ҳажвиётида давр иллатларининг фаш этилиши;
5. Муқимий саёҳатнома жанрининг асосчиси;
6. Саёҳатномаларда шоирнинг «мени»;
7. Муқимий ижодида халқчиллик;
8. Хотима.

Муқимий ижодий меросида ҳажвиёт салмоқли ўрин тутди. Муқимий ҳажвиёти унинг ижодидаги асосий мотивлар билан узвий боғлиқ бўлиб, шоир ижодий қиёфасини тўлиқ тасаввур қилишга, шоир ижодининг ҳаётий аҳамиятини тўлароқ тушунишга ёрдам беради.

Муқимий ўз лирикасида ифодалай бошлаган ҳукмрон муҳитдан норозилик, мавжуд тузум тартиблардан қаноатланмаслик мативлари ҳажвиётда янада кучайтириб, кескин тус олдириб, ўткир танқидий асарларни яратди. Муқимий лирик қаҳрамондаги мавжуд тузумдан қаноатланмаслик, турмушдаги адолатсизларга норозилик кайфиятлари бу лирик қаҳрамонни шу камчиликларни танқид қилувчи исёнкор қаҳрамонга айлантиради. Шу маънода Муқимий-лирик шоир билан Муқимий-ҳажвгўй тушунчалари бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради. Фарқ шундаки, лирик шоир Муқимий бир ҳил адабий усуллар ишлатган, олижаноб ва самимий образлар яратган бўлса, энди у ҳажвгўй шоир сифатида бошқача адабий усуллар қўллаб, исёнкор образлар яратди. Инсон қиёфасидаги ёзув маҳлуқларнинг жирканч башараларини очиб ташлади.

Муқимий ҳажвиялари мазмунан бой, мавзу жиҳатидан ранг-барангдир. Унинг ҳажвлари жамият ҳаётнинг ҳамма қирраларини қамраб олган. Очкўз, худбин ҳукмдорлар хос бўлган ҳамма табақаларнинг аниқ тимсолларини яратган. Ўзбек тараққийпарвар адабиётида яратилган ажойиб ماشий жирканч кишилар тасвири, даставвал, Муқимий қаламига мансубдир. Бу тубан жирканч кимсалар тасвири орасида ҳукмдорларнинг ҳамма табақаларини, бойларни, рус босқинчиларини, калта фаҳм айрим руҳонийларни, судхўрлар сингари жамият зараркундаларини учратамиз. Муқимий ҳажвияларининг моҳиятини равшанроқ очиш ва улар тўғрисидаги мулоҳазаларимизни равланштириш учун уларни танқид нишонига қараб, шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Рус ҳукмдорлари ва маҳаллий амалдорлар зулмини кўрсатишга, уларнинг жирканч тимсолларини яратиш, фош қилишга қаратилган ҳажвлар «Танобчилар», «Додхохим», «Аҳтаринг», «Сайлов», «Пар мевалар», «Дар мазаммати сагеки, элликбоши номи ниҳода буданд» ва бошқалар.
2. Маҳаллий худбин бойлар, оч кўз босқинчиларнинг кирдикорларини очиб ташлашга, уларнинг макру ҳийлалари заминида туғилган пасткашликларини кўрсатишга қаратилган ҳажвиялар: «Московчи бой таърифида», «Ҳажви Виктор бой», «Ҳажви Виктор», «Воқеаи Виктор», «Дар шикояти Лахтин», «Воқеаи кўр Ашурбой Хожи», «Тўйи Иқонбачча», «Хожи қадоқчи», «Гап тўғрисида гап» ва бошқалар.
3. Жамиятда текинхўрлик билан кун кўрувчи айрим дин пешволарини танқид қилишга, уларнинг феъл атворларидаги ифлосликларни, кулгили ҳолларни тасвирлашга бағишланган ҳажвлар: «Ҳажви халифаи Мингтепа», «Дар мазаммати қурбақа», «Авлиё» ва бошқалар.

«Танобчилар». Бу ҳажвия ўз мавзуи, турмушни акс эттиришдаги бадиий умумлашма кучи билан демократи адабиётдаги ҳажвлар ичида алоҳида ўрин тутди. Унда

мустамлакачилик тартиблари ҳукмронлик қилган даврда рус амалдорларининг халққа кўрсатаётган зулм-зўрликлари равшан ҳаётий лавҳаларда, тайинлик шахслар фаолиятида тасвирланган. «Танобчилар» ҳажвияси амалдорлар зулмига йўлиққан оддий бир деҳқоннинг ҳикояси тарзида ёзилган. Деҳқон ўз бошига тушган кулфатларни шундай ҳикоя қила бошлайди:

Бўлди таажуб қизиқ хангомалар,
Арз этайин эмди ёзиб номалар.

Ўн икки ойда келадур бир таноб,
Ўзгаларга роҳату менга азоб.

Ҳақиқатан ҳам, бу «таноб» воқеаси ўзгаларга — «Дума»дагиларга, мустамлакачиларга роҳат баҳш этар, оддий деҳқонларни эса азоб-укубатларга солар эди. Чунки ерни «таноб»лаш орқали рус ҳукуматининг олиб бораётган оғир солиқсиёсати амалга оширилар эди.

Муаммо:

«Танобчилар» ҳажвиясидаги энг долзарб муаммо-ўша давр нуқтаи назаридан нима эди ва бу муаммо шеърда қандай ёритилган?

Маълумки рус мустамлакачилари томонидан ўрнатилган унгача бўлмаган тартибга кўра, ҳар йили деҳқонлар ўз экинини экиб бўлганларидан сўнг, экин майдонининг қанчалигини аниқлаш ва шунга қараб солиқ солиш учун амалдорлар қишлоққа чиқар эдилар. Улар экин майдонларини таноб (тахминан 16 сотих) ўлчаганлари учун уларни танобчилар деб юритилган. Танобчилар қишлоқларда истаганларича зўрлик ўтказар эдилар. Порахўрликни авж олдириб, ҳукмдорларга ён босар, деҳқонларнинг ерларини ўлчашда турли фирибгарчиликларни ишлатиб, халқни катта солиқлар билан қийнар эдилар. Халқнинг ана шундай аянчли ҳаёти «Танобчилар» шеърда акс этади. Муқимий бу шеърда деҳқонларнинг оғир аҳволини кўрсатиш билан бирга рус малайлари бўлган маҳаллий амалдорларнинг жирканч қиёфаларини тасвирлайди.

Султон Алихўжа, Ҳакимжон иков,
Бири хотун, бириси бўлди куёв,

Иккаласи бўлди чунон иттифок,
Гўё ҳаёл айлаки, қилмай нифок;

Ош есалар, ўртада сарсон илик,
Хўжа – чироғ ёғи, Ҳакимжон-пилик.

Шу таҳлитда шоир Ҳакимжон билан Султон Алихўжанинг ер ўлчаш учун кишлоққа чиқиб келишини, насл-насаблари, амал ва ҳуқуқлари тўғрисида деҳқонларга мақтаниб, улардан пора талаб қилишларини, порани олгандан сўнг ҳам деҳқонлар ерини ортиқча, «дучандон» ўлчаб, уларга зулм ўтказишларини акс эттириб, уларнинг маънавиятларини очиб беради.

Икки танобингни қилай ўн таноб,
Юртингизни куйдириб қилай хароб.

Султон Алихўжа билан Ҳакимжоннинг бу хилда ўзини хўжайин ҳисоблаб, халққа дўқ қилиши тасодифий эмас эди. Ҳақиқатан ҳам, улар босқинчилар ҳокимиятининг вакиллари сифатида халққа чексиз зўрлик ва зулм ўтказиш ҳуқуқига эга эдилар.

«Сайлов» Муқимийнинг рус ва маҳаллий амалдорлар киёфасини чизишга бағишланган ҳажвий асарлари ичида «Сайлов» шеъри алоҳида эътиборга моликдир. Адабиётимиз тарихида ер солиғи – танобчилар сингари сайлов мавзуси ҳам янгиликдир. Ўлкага капиталистик муносабатлар кириб келиши натижасида рўй берган янги ходисаларнинг бири давлат бошқарувида сайлов тизимини жорий қилиниши эди. Русия ҳукумати томонидан ўрнатилган тартибга мувофиқ, куйи мансабларга – мингбоши, юзбоши, қозилик каби мансабларга тайинлаш сайлов йўли билан ўтказиларди. Лекин халқ иштирокида ўтказиладиган бу сайлда мулкдор гуруҳлар томонидан қандай найрангбозликлар ишлатилишини, қандай фожиалар рўй беришини тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Муқимий бу мавзунини ўзига хос моҳирлик ва ғоявий юксаклик билан ишлайди. У «хокимлар амри билан» халқ бошига тушган бу «ғалва»ни, «бало сайлов», «вабо сайлов» деб атайди. Ҳақиқатан ҳам, амалпараст, худбин маъмурларнинг ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи бу воқеа натижасида қизиб кетган ўзаро курашларнинг бутун оғирлиги халқ зиммасига тушар эди.

Сочиб қарзу ҳавола, пул кўтариб, истаюб мансаб,
Бўлолмай кўп кишини синдируб, қилди гадо сайлов...
Муқимий, оғриди бошлар, ҳолойиқ гуфти гўйидин,
Шаҳар тинчиб қолурди, бўлса-чи эмди адо сайлов.

Муқимий бошлаб берган бу анъанани бошқа илғор шоирлар томонидан ҳам давом эттирилди.

«Тўйи Иқонбачча» Муқимийнинг айрим ҳажвлари капиталистлар, мустамлакачи савдогарлар ва маҳаллий бойларнинг кирдикорларини очиб ташлашга бағишланган. Улардан бири «Тўйи Иқонбачча» ҳажвиясидир. Бу эпик ҳажвия бўлиб, унда тасвирланган воқеа Иқондаги гумаштанинг ўтказган тўйи ҳақида Тошкентдаги хўжайинига бериши-сим қоқиши билан бошланади. Тошкентлик бойнинг телеграммасида қуйидагилар айтилади:

Мен ризомас, кишига нон берсанг,
Ё товуқ сақласангу дон берсанг.

Туйнугингдин агарда чи-са тутун,
Мунда бер дастмояларни бутун.

Бўлса умидингиз агар биздин,
Манфаат кўрмасин биров сиздин.

Тошкентлик бойнинг бу кўрсатмаси Иқондаги гумашта учун дастур бўлади. Лекин тўйни ўтказмасликнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун гумашта бой кўрсатмаларига амал қилиб, тўй харажатларини жуда ҳам қисқартиради. Шоирнинг тасвирига, маслаҳат ошига уч киши чақирилган. қўй сўйилиб, гўшт-ёғи хумга босилган, улар олдига калла шўрва қўйилган. Тўйга етти киши айтилиб, улар олдига «қотғон, моғор отғон» нон қўйилган.

Солди алқисса эски дастурхон,
қўйди сойил каби неча хил нон...

Сузди ош бир ликавда уч кишидин,
Кетти ошни кўриб ҳамма хушидин.

Ош мисоли табакда кўз ёши,
Курмаки кўп, гурунчидин тоши.

Муқимий ҳажвия охирида тўй ўтгандан сўнг ҳисоб-китоб қилинганини, жами харажат ўттиз уч танга бўлганини айтиб, қўқонлик гумаштага эл-юрт номидан «уятсиз» деган баҳо бериб, ҳажвни ўзига хос услубда тугатади:

«Хатми қуръон» қўюлди тўйнинг оти,
Бўлса шундоғ бўлурмуди уёти?!

Урди чўт сарфиға тўй ўтганда,
Тузғача жамъи ўтгуз уч танга,

Ушбу сўзлар, Муқим, эмас ёлғон
кўни-кўшниси шоҳиду бурхон.

Муаммо

Муқимий ҳажвияларида қайси адабий санъатлардан фойдаланган ва у асар мазмунига қандай таъсир кўрсатган?

Муқимий гумашта тимсолини зўр маҳорат билан чизган. Ҳажвда тасвирланган лавҳалар ғоят ўринли: оёқ учида юриб иш битириш, енг ичида тўйга одам айтиш, овоз чиқармай ош дамлаш, ўчоқ бошида йўталган кишининг елкасига косов билан тушириш, дастурхон ёзиш ва ош тортиш-буларнинг ҳаммаси бир мақсад учун – гумашта тимсолини яққол кўрсатиш учун хизмат қилади. Унда биронта ўринсиз сўз, бадиий тасвир йўқ.

Муаммо

Муқимийнинг ҳажвий асарларидаги ҳар бир тимсолларни алоҳида – алоҳида олиб тасаввур қилинг – уларни ўтмиши, бугунги жамиятда тутган ўрни, мавқеини ҳисобга олган ҳолда албатта айна пайтдаги халқнинг ҳаёти билан таққослаган ҳолда.

Муқимий ўз ҳажвияларида маҳаллий бойлар тимсолини чизиш билан чекланмай, кўркмай, дадил мустамлакачи капиталистлар кирдикорларини ҳам дадил фош этди. Бу жиҳатдан унинг «Ҳажви Виктор бой», «Ҳажви Виктор», «Воқеаи Виктор» асарлари муҳимдир. «Ҳажви Виктор бой» муҳаммас шаклида ёзилган 20 мисрали асар бўлиб, у ўз замонасида Николай Остроумов томонидан ашулачилар оғзидан ёзиб олинган ҳамда матбуотда ўзбекча матни ва русча таржимаси билан эълон қилинган. «Ҳажви Виктор» ҳажвияси ҳам муҳаммас шаклида ёзилган бўлиб, у 25 мисрадан иборатдир. 132 мисрадан иборат бўлган «Воқеаи Виктор» ҳажвияси эса маснавий шаклида кенг сюжетли асар бўлиб, уни «ҳажвий дoston» деб ҳам аташ мумкин.

Бу ҳажвларнинг уччаласида ҳам асосий қаҳрамон Виктордир. Муқимий диққатини бунчалик жалиб этиб, уч асар ёзишга сабаб бўлган бу киши ким?

Ўша замон ватли матбуоти маълумотиға кўра, Виктор Димитрович Аҳматов кўқондаги ака-ука Каменскийлар савдо идорасидаиш бошқарувчи бўлиб хизмат қилган. У

маҳаллий бойларга арзон баҳода Москвадан мол келтириб беришни ваъда қилиб, улардан пул йиғишга киришган ва жуда кўп пул тўплагандан сўнг қочиб кетган. Чунки тафтиш (ревизия) бошлаган В.В.Серков 1889 йилнинг апрелида унда 16 минг рубл камомат борлигини аниқлаган эди. Ўш йил октябрида қайта ўтказилган ревизияда унинг камомати 16 мингдан ташқари яна халқда 191 минг рубл қарздрлиги аниқланади. Бошқа паспорт билан Тиблисда яшириниб юрган Виктор 1892 йили ушланиб мол-мулки мусодара қилиниб, 1,5 йилга қамалади. қарзларни тан олмайди. Пул берган қўқонлик бойлар куюб қолаверади. Пул берганлигини судда исботлаб бера олмайдилар. Бу воқеа Фарғона водийсида «Виктор воқеаси» номи билан овоза бўлган. Табиийки бу воқеа ўша замон шоирлари ижодида кенг ёритилган. Муқимийнинг мустамлакачи «оч кўз»ларга қарши қаратилган ҳажвларидан яна бири «Дар шикоят Лахтин»дир. ғазал шаклида ёзилган бу шеърда Муқимий Тошкентдаги уддабурон бойлардан бўлган Лахтин тўғрисида фикр юритади. Лахтиннинг пахта, ёғ заводи ва типографияси бўлишига қарамай жуда қимматфурушлиги ҳажв қилинади. Шунингдек Муқимий маҳаллий бойлардан ифлос бузуқи хожи Ашурбойни «Воқеаи кўр Ашурбой», ёлғончи, фирибгар диндор эшон Муҳаммад Али халфани «Ҳажви халифаи Мингтепа» ҳажвиясида қилмишларини рўйи-рост очиб ташлайди. Муқимийнинг адолатпеша, ростгўйлиги шу ердаки, у тирик пасткаш амалдор, бойларни ҳажв қилади.

Муаммо

Шоир ўзига Муқимий яъни турғун таҳаллусини танлаган. Нима у фақат қўқонда умрининг охиригача муқим яшаганми?

Ҳа, Муқимий шоир, инсон сифатида сайру саёҳатни ёқтирган. Андижон, Наманган, Тошканд шаҳарларидаги қаламкаш дўстлари билан бориб кўришиб турган. Бундай сафарлари ҳақида унинг қатор шеърлари, мактублари бор. Шунингдек унинг айрим жойларга қилган саёҳатлари жараёнида ёзган шеърлари «Саёҳатнома» туркумини ташкил қилади. Шоир қўқон-Фарғона, қўқон-Шохимардон, қўқон-Исфара йўналишлари бўйича қилган саёҳатларининг таассуротлари сифат яратган, шеърлари оригинал шакл ва мазмунда яратилганки, у ўзбек адабиётида янгилик бўлиб анъанага айланди. Шундай қилиб Муқимий «Саёҳатнома» лари ўша вақтларда халқ орасида кенг тарқалиб, шуҳрат топдики, Муқимий бошлаб берган шаклда қофияда асарлар яратиш ҳозиргача давом этмоқда. Назиралар битилмоқда.

Демак демократик адабиётда бир хил руҳ бир хил мавзу ва муштарак бадиий хусусиятлар билан ифодаланадиган «Саёҳатнома» жанри туғилган ва такомиллашиб

борган. Саёҳат таассуротларини шеърӣ шаклда баён қилиш бу асарларнинг умумий мазмунини ташкил қилади. Бу асарлар тўртликлар тизимида, ўзигагина хос қофия усулида, яъни а-а-а-с, б-б-б-с, в-в-в-с ёзилган. Ҳар банднинг охири-тўртинчи мисрасидаги «экан» сўзи радифдир. «Саёҳатнома» лар ҳаммаси арузнинг ражаз баҳрий тармоқларидан «Ражазий мусамманий солим» яъни мустафъилўн мустафъилўн мустафъилўн шаклида ёзилган.

Муқимий «Саёҳатнома» лари уч ном билан юритилса ҳам, бир бутун бадий асар деб қаралади. Чунки уларнинг ғоявий йўналиши бир хил бўлиб, ҳаммасида ҳам шоир кўз олдида содир бўлган турмуш иллатларини рост тасвирлашдан иборатдир. Асарнинг бадий қурилиши, хусусиятлари ўринларда ҳам шу мақсадга хизмат қилдирилган. Шунинг учун ҳам бу уч «Саёҳатнома» нинг ҳар бири ягона асарнинг узвий қисмларидир. Кейинроқ топилган «Исфара саёҳати» даги парчаларни ҳам қўшсак, Муқимий «Саёҳатнома» лари 244 мисрадан иборат бўлади. Уларда кўтарилган масалалар: а) «Саёҳатнома» ларда шоир образи; б) Уларда амалдорларни фош қилиниши; в) Табиат манзарасининг ифодаланиши.

Ақлий хужум учун саволлар.

1. Муқимий ҳажвиялари Махмур, Гулҳанийлар ҳажвияларидан нимаси билан фарқланади?
2. Муқимий қандай диндорларни ҳажв қилади?
3. Муқимий қайси, маҳаллий амалдорларни ҳажв қилади?
4. Муқимий босқинч амалдорлардан қайси бирини уч марта ҳажв қилган?
5. Муқимий нима учун қўрқмай босқинчи амалдорларни ҳажв қилади?
6. Муқимийнинг жияни қандай қилиб Масковга бориб ўқийди?
7. Муқимий қайси йўналишларда «Саёҳатнома» ёзган?
8. Муқимий «Саёҳатнома» ларидаги қишлоқларни айтинг?
9. Муқимий изидан бориб яна кимлар «Саёҳатнома» ёзган?

Адабиётлар.

1. Каримов ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-китоб. Т. 1987 йил.
2. Муқимий. Асарлар. Т. 1974 йил.
3. қосимов Б., Юсупов Ш ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т. 2004 й.